



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 22 » апрель

№ПК–149

Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, олий таълим ташкилотларининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Турдош йўналишдаги олий таълим муассасаларини уларнинг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа кўрсаткичларидан келиб чиқиб йириклаштириш ҳамда тиббий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни самарали ташкил этиш ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб белгилансин.

II. Тиббиёт олий таълим муассасаларини қайта ташкил этиш

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти негизида **Тошкент давлат тиббиёт университетини** (кейинги ўринларда – Университет) ташкил этиш;

(б) Тошкент тиббиёт академиясининг марказий илмий-текшириш лабораторияси негизида **Тиббиёт илмий-инновацион тадқиқот институти** фаолиятини йўлга қўйиш;

(в) Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалини **Урганч давлат тиббиёт институти** этиб қайта ташкил этиш;

(г) Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Тошкент давлат стоматология институти клиникасини **Тошкент давлат тиббиёт университети клиникалари** (кейинги ўринларда – Университет клиникалари) этиб қайта номлаш;

(д) Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз ва Чирчиқ филиалларини **Тошкент давлат тиббиёт университетининг Термиз ва Чирчиқ филиаллари** этиб қайта номлаш;

(е) Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи, Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ва Тошкент давлат стоматология институти академик лицейини **Тошкент давлат тиббиёт университетининг 1-, 2- ва 3-сон академик лицейлари** этиб қайта номлаш.

3. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

(а) тиббий-касбий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

(б) таълим дастурларини халқаро тиббий таълим стандартларига мувофиқлаштириб, **компетенцияларга асосланган** тиббий таълим дастурларини жорий этиш;

(в) ўқув жараёнини **амалий кўникмаларни** шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, клиникалар ва ўқув базалари фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

(г) фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

(д) илмий салоҳиятни мунтазам равишда ошириб бориш;

(е) Университет ва унинг тизимига кирувчи таълим муассасалари моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда **фаолиятини мувофиқлаштириш**.

4. Белгилансинки:

а) Университет:

(i) тиббиёт соҳаси учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича **етақчи олий таълим муассасаси ҳисобланади;**

(ii) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб магистратурада босқичма-босқич **хорижий тил(лар)да ўқитиладиган алоҳида гуруҳлар** ташкил этади;

(iii) тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига ўқув жараёнларини ташкил этишда **услубий ёрдам** кўрсатади;

(iv) Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтининг барча **ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси** ҳисобланади;

(v) Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкларга, мустақил балансга ҳамда **шахсий ғазна ҳисобварақларига** эга бўлади;

(vi) **Соғлиқни сақлаш вазирлигига идоравий жиҳатдан бўйсунди.** Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Университет битирувчиларининг малака талабларини ишлаб чиқиш, Университет моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда талабаларга амалиёт базаларида зарур шарт-шароит яратишда кадрлар буюртмачиси сифатида кўмаклашади;

б) ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари **Университет талабалари учун клиник амалиёт базалари** этиб белгиланади;

в) **Университетга талабаларни ўқишга қабул қилиш 2025/2026 ўқув йилидан бошланади.** Бунда Университетга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш **давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари** доирасида белгиланади;

(г) **2025/2026 ўқув йилидан** бошлаб Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишини Университетда давом эттиради ҳамда битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Университет дипломи берилади;

(д) Университет кенгашига Университет ҳузурида тиббиёт ихтисосликлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тузиш ва унинг таркибини тасдиқлаш ҳамда мазкур илмий кенгашга талабгорларни илмий даражаларда мустақил тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколати берилади.

5. Университет клиникалари юридик мақомини сақлаб қолган ҳолда маъмурий ва ташкилий-бошқарув жиҳатдан Университет ректорига бўйсунди. Бунда:

(а) Университет клиникаларини амалдаги молиялаштириш тартиби сақлаб қолинади;

(б) Университет кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан унинг клиникалари ва клиник базалари таъмирланиши ҳамда янги тиббий ускуналар ва анжомлар билан жиҳозланиши мумкин.

6. Қуйидагилар:

(а) **Тошкент давлат тиббиёт университети кузатув кенгашининг таркиби 1-иловага мувофиқ;**

(б) 2025–2027 йилларда Тошкент давлат тиббиёт университетида **кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, илмий салоҳиятни ошириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;**

(в) Тошкент давлат тиббиёт университетида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериладиган **объектлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Университетнинг Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй манзилида жойлашган ҳудудида замонавий ўқув биноси, ахборот-ресурс маркази, виварий, экспериментал лаборатория, замонавий медиамарказ, нашриёт ҳамда IT марказни ўз ичига олган **5 000 ўринли ўқув биносини** қуриш, замонавий ташхислаш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг (EDCF) кредит маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин. Бунда:

(а) ушбу ўқув биносини қуриш ва жиҳозлаш учун жалб қилинган кредитларнинг **75 фоизи** Давлат бюджети ҳисобидан;

(б) **25 фоизи** – Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

8. Университет кузатув кенгаши Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда хорижий консультант жалб қилган ҳолда 2025 йил якунига қадар Университет тизимидаги барча ташкилотларга марказлашган тартибда молия-бухгалтерия хизмати,

моддий-техника таъминоти хизмати, бино ва иншоотлардан фойдаланиш хизматини кўрсатувчи **ягона марказ** ташкил этсин.

9. Университет тузилмасида ҳомийлик хайриялари ҳисобидан тўлдириладиган **Тошкент давлат тиббиёт университетини ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилсин. Бунда белгилансинки:

(а) Университетга тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган маблағларнинг сақлаш ва жорий харажатлардан ортган қисми Университетни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

(б) ушбу банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган маблағлар Университет кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ таълим жараёнини яхшилаш, моддий-техник базани ривожлантириш учун ишлатилади.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси билан биргаликда:

(а) **2025 йил 1 сентябрга қадар** тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида шартнома тузиш орқали Университетнинг бошқарув кадрлари лавозимларига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан жалб қилиш чорасини кўрсин;

(б) Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини таъминлаш мақсадида **уч ой муддатда** Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Университет ҳузурида **Трансформация офисини ташкил этсин.**

11. Трансформация офиси қуйидагилар учун **масъул этиб белгилансин:**

(а) Университетни 2030 йилга қадар халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи **1000 та** ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш, шунингдек, Университет таълим дастурлари **халқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминлаш** юзасидан стратегияни ишлаб чиқиш;

(б) 2025–2028 йилларда хорижий олий таълим ташкилотларида **камида 120 нафар** етакчи профессор-ўқитувчининг **стажировкасини** ташкил этиш;

(в) Университетда умумтаълим фанларини қисқартириш ҳисобидан мутахассислик фанлари ва амалий машғулотлар улушини ошириш орқали амалий билим ва кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш;

(г) талабаларнинг барча ёзма иш ва диссертацияларини кўчирмачиликка қарши текшириш (антиплагиат) механизмини жорий этиш;

(д) Университетда ўқув ва иш жараёнларини (ҳужжат айланмаси, ахборот-кутубхона ресурси, талаба ва ходимлар маълумотлари) тўлиқ рақамлаштириш, шунингдек, талабаларнинг ўзлаштириши, дарс жадвали, маъруза материаллари ва бошқалар акс эттирилган талабаларнинг “шахсий кабинети”ни юритиш.

12. Университетга академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилсин. Бунда:

(а) Университетга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–60-сон ҳамда 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–61-сон қарорларида белгиланган қоидалар татбиқ этилади;

(б) Университетга хорижий ўқув ва илмий адабиётларни ҳамда уларни таржима қилиш ва тарқатиш ҳуқуқини харид қилишда, хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун рекрутинг компаниялари билан ҳамкорликда ишлашда ҳамда хорижий мутахассислар учун уй-жой ижарасини расмийлаштиришда тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади;

(в) янги авлод тиббий таълим адабиётлари ва ўқув ресурсларини яратиш, харид қилиш, таржима қилиш ва нашр этиш харажатлари Давлат бюджети ва Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга мувофиқ Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти ҳамда уларнинг клиникалари штатлар сонини мақбуллаштириш натижасида ишдан бўшатиладиган ходимларни белгиланган тартибда иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини кўрсин.

14. Белгилансинки:

(а) Университет фаолияти Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти

ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат ташкилотлари грантлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

(б) Университет фаолиятини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш **2025 йилда** Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида **Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган маблағлар** доирасида, **2026 йилдан бошлаб** эса **Давлат бюджети параметрларида** назарда тутилади.

III. Қарор ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) **бир ой муддатда** Урганч давлат тиббиёт институти фаолиятини ташкил этишга оид қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

(б) **уч ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини **самарали ташкил қилишга масъул** ва **шахсий жавобгар** этиб соғлиқни сақлаш вазири **А.А. Худаяров** ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири **К.А. Шарипов** белгилансин.

17. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари **О.Қ. Абдурахманов** зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Тошкент давлат тиббиёт университети кузатув кенгашининг
ТАРКИБИ**

1. А.А. Худаяров – соғлиқни сақлаш вазири, *Кузатув кенгаши раиси*
2. К.А. Шарипов – олий таълим, фан ва инновациялар вазири, *Кузатув кенгаши раиси ўринбосари*
3. Э.Э. Адиллов – “Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси директори
4. А.Ю. Худайкулов – “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси директори
5. О.Р. Фазилкаримов – иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари
6. С.С. Абдуллаев – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг ўринбосари
7. Б.К. Юсупалиев – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси
8. Дуглас Витман – Вебстер университети соғлиқни сақлаш бошқаруви магистратура дастури раҳбари (келишув асосида)
9. *Лавозими бўйича* – Тошкент давлат тиббиёт университети ректори, *Кузатув кенгаши котиби*

Изоҳ:

Кузатув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига мазкур лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритилиши мумкин.

2025–2027 йилларда Тошкент давлат тиббиёт университетида кадрлар тайёрлаш тизимини самарали йўлга қўйиш, илмий салоҳиятни ошириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
1. Университет фаолиятини ташкил этиш					
1.	Тошкент давлат тиббиёт университети (кейинги ўринларда – Университет) фаолиятини йўлга қўйиш.	<p>1. Университет уставини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.</p> <p>2. Университет ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.</p>	2025 йил 1 август	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов)
2.	Тугатилаётган олий таълим муассасаларининг (Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти) асосий активларини хатловдан ўтказиш ҳамда Университет балансига олиш.	<p>1. Асосий активларни хатловдан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳ томонидан тугатилаётган олий таълим муассасаларининг асосий активларини хатловдан ўтказиш ҳамда Университет балансига олиш.</p>	2025 йил 10 июль 2025 йил 15 июль	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов)
3.	Университетда кафедралар тизимини ташкил этиш.	1. Университетда кафедралар фаолиятини қайта кўриб чиқиш мақсадида таълим йўналишлари мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлар тузиш.	2025 йил 1 май	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		<p>2. Ишчи гуруҳлар томонидан Университетда ташкил этилиши зарур бўлган кафедралар рўйхатини шакллантириш ҳамда асослаш.</p> <p>3. Кафедраларнинг фаолиятини бошлаш мuddатларини белгилаш.</p> <p>4. Кафедраларни ўқув-услубий ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлаш.</p> <p>5. Кафедралар профессор-ўқитувчилари таркибини шакллантириш ва кафедралар фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш.</p>	<p>2025 йил 10 июль</p> <p>2025/2026 ўқув йили 2025 йил 10 июль</p> <p>2025 йил 20 август</p>		<p>вазирлиги (Шарипов)</p>
4.	<p>Университетни тажрибали ва юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш.</p>	<p>Хорижий ва маҳаллий малакали мутахассисларни (профессор-ўқитувчиларни) очиқ, шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш.</p>	<p>2025 йил 1 август</p>	-	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов)</p>
5.	<p>Университет бошқарув тизимини халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этиш.</p>	<p>1. Университет ташкилий бошқарув тизимини ISO:21001 (Educational organizations — Management systems for educational organizations) стандарти талабларига мослаштириш.</p> <p>2. ISO:21001 стандарти талабларига мос равишда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва сертификат олиш учун ариза бериш.</p>	<p>2025 йил 1 ноябрь</p> <p>2026 йил 1 январь</p>	<p>Халқаро молия институтлари маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
II. Университетда таълим жараёнини самарали ташкил этиш					
6.	Бакалавриат йўналишлари ва магистратура, клиник ординатура (резидентура), интернатура мутахассисликлари малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш.	<p>1. Университет таълим йўналишлари ва магистратура, клиник ординатура (резидентура), интернатура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш бўйича профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш ва жалб этилган экспертлар орасидан ишчи гуруҳлар тузиш.</p> <p>2. Малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>3. Янги ишлаб чиқилган таълим дастурларини ўқув жараёнига жорий этиш.</p>	2025 йил 1 июль 2025/2026 ўқув йили 2025/2026 ўқув йили	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов)
7.	Университетда илғор хорижий тажрибалар асосида таълим жараёнини ташкил этиш.	<p>1. Университетда тегишли бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқитишни ташкил этиш мақсадида хорижлик етакчи илмий ходимлар, мутахассислар ва профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш.</p> <p>2. Ўқув жараёнига халқаро тажрибага асосланган ўқитишнинг илғор технологиялари ва методикаларини татбиқ этиш.</p> <p>3. Нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида ҳамкорлик меморандумларини тузиш ва имзолаш.</p>	2025/2026 ўқув йилидан бошлаб 2025–2026 йиллар 2025/2026 ўқув йили	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов)

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
8.	Таълим сифати ва илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш мақсадида Университетни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш.	<p>1. Университетнинг мавжуд ўқув-лаборатория жиҳозларини тўлиқ хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Университет учун зарур бўлган замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Рўйхати шакллантирилган ўқув лаборатория жиҳозларини харид қилиш чораларини кўриш.</p>	<p>2025 йил 20 июнь</p> <p>2025 йил 20 июль</p> <p>2025/2026 ўқув йили</p>	<p>Халқаро молия институтлари маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров)
9.	Университетни Бутунжаҳон тиббий таълим федерацияси (WFME), QS ва THE стандартлари ва йўриқномаларига асосан халқаро аккредитациядан ўтказиш учун тайёрлаш.	<p>1. Университетни халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича халқаро аккредитация ташкилотлари билан ҳамкорлик келишувларига эришиш.</p> <p>2. Университетни халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича хорижий тажрибага эга бўлган малакали мутахассислардан иборат таркибда ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>3. Халқаро аккредитациядан ўтиш учун талаб этиладиган чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>4. Университетнинг танлаб олинган таълим йўналишлари ва халқаро мутахассисликларининг ўтказилишини таъминлаш.</p>	<p>2025 йил 15 ноябрь</p> <p>2025 йил 1 декабрь</p> <p>2026/2027 ўқув йили</p> <p>2026/2027 ўқув йили</p>	<p>Халқаро молия институтлари маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов)
10.	Хорижий тажрибага асосланган ҳолда Университетда таълим ва амалиёт ўртасидаги интеграцияни таъминлаш	<p>1. Тиббиёт соҳасидаги етакчи даволаш-профилактика муассасалари лабораториялари, кластерлари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаш.</p>	2025 йил 23 май	Халқаро молия институтлари маблағлари, Университетнинг	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров),

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
11.	<p>Университетда халқаро эътироф этилган агентликлар рейтингининг ТОП-1000 талик рўйхатига кирган хорижий олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари улушини ошириш.</p>	<p>2. Кўргазмали материаллар билан жиҳозлаш учун ўқув аудиторияларини танлаб олиш.</p> <p>3. Мутахассислик йўналишига мувофиқ равишда ўқув аудиторияларини кўргазмали материаллар билан жиҳозлаш ва доимий янгилаб бориш.</p> <p>1. Университетга жалб қилинган хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини белгилаш.</p> <p>2. Ҳар семестрда ўқув ва илмий жараёнга халқаро эътироф этилган агентликлар рейтингига ТОП-1000 талик рўйхатга кирган олий таълим муассасаларидан профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш.</p> <p>3. Университетнинг виза талабномаларига биноан таклиф этилаётган хорижлик мутахассислар, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар учун Ўзбекистон Республикасига кириш визаларини консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштириш чораларини кўриш.</p>	<p>2025 йил 15 сентябрь</p> <p>2025 йил 10 сентябрь</p> <p>2025 йил 1 июнь</p> <p>2025/2026 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>2025/2026 ўқув йилидан бошлаб</p>	<p>бюджетдан ташқари маблағлари</p> <p>Халқаро молия институтлари маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов)</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов), Ташқи ишлар вазирлиги (Саидов)</p>
12.	<p>Университет тизимидаги ташкилотлар фаолиятини қайта ташкил этиш, фаолияти тақрорланувчи ва самарасиз</p>	<p>1. Университет тизимидаги барча ташкилотлар фаолиятини, жумладан, таълим ва илмий тадқиқот фаолияти, функция ва вазифаларини таҳлил қилиш.</p>	<p>2025 йил 24 август</p>	<p>–</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар</p>

T/p	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
	ташкilotларни тугатиш бўйича таклиф тайёрлаш.	2. Самарасиз фаолият юритаётган ва фаолияти такрорланувчи ташкilotларни тугатиш бўйича таклиф тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2025 йил 10 сентябрь		вазирлиги (Шарипов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Фазилкаримов)
III. Талабалар малака амалиётларини ташкил этиш					
13.	Талабаларда амалий ва ишлаб чиқариш кўникмаларини шакллантиришда иш берувчи ташкilotларнинг иштирокини ошириш ва масъулиятини белгилаш.	<p>1. Университет талабаларининг клиник амалиётини ташкил этиш бўйича амалиёт ўташ объектлари – клиник базалар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш.</p> <p>2. Иш берувчи ташкilotларнинг талабаларда амалий ва ишлаб чиқариш кўникмаларини шакллантириш мажбуриятларини эътиборга олган ҳолда замонавий техника ва технологияларни жорий этган етакчи ташкilotлар билан талабаларнинг амалиёт ўташи бўйича ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш.</p> <p>3. Бунртмачи ташкilotлар томонидан мунтазам равишда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилишини таъминлаш.</p> <p>4. Талабалар амалиётини ташкilotлар базасида ўтказиш ва улар учун тегишли шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш.</p>	2025 йил 1 июнь 2025 йил 10 июнь Ҳар йили май–июнь ойлари 2025/2026 ўқув йили	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов)
14.	Талабаларнинг соҳадаги муайян қорхона ва ташкilotларда амалий машғулотлар ҳамда малака амалиётлари ўтишини ташкил қилиш.	1. Тармоқнинг назарий ва амалий муаммоларидан келиб чиқиб, шунингдек, илғор хорижий тажриба ва илмий тадқиқотлар натижаларини инобатга олган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари	2025 йил 15 май	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
		<p>ва магистратура мутахассисликлари учун ўқув-дала амалиёти ва малака амалиёти дастурларини яратиш.</p> <p>2. Талабалар контингентини тегишли даволаш-профилактика муассасаларига бириктириш, шунингдек, таълим йўналиши хусусиятидан келиб чиққан ҳолда улар билан тегишли шартномалар тузиш.</p> <p>3. Шартномалар ва жадвал асосида талабаларнинг амалий машғулотлари ва малака амалиётини ташкил этиш, мазкур жараёни назорат қилиш учун Университетнинг масъул вакилларини тайинлаш.</p>	<p>2025/2026 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>2025/2026 ўқув йилидан бошлаб</p>		<p>вазирлиги (Шарипов)</p>
15.	<p>Университет профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларнинг етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларда стажировка ўташи ва малака оширишини ташкил этиш.</p>	<p>1. Хорижий мамлакатларнинг соҳадаги етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан алоқаларни йўлга қўйиш бўйича 2025–2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш.</p> <p>2. Тегишли хорижий ташкилотлар билан музокаралар ўтказиш.</p> <p>3. Стажировка ва малака оширишни ташкил қилиш жадвалини тузиш, келишиш ва тасдиқлаш.</p> <p>4. Стажировка ва малака ошириш курсларининг самарали ва ўз вақтида ташкил қилинишини таъминлаш.</p>	<p>2025 йил 1 июль</p> <p>2025 йил 1 сентябрь</p> <p>2025 йил 1 ноябрь</p> <p>Белгиланган мuddатларда</p>	<p>Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
16.	Халқаро илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш.	<p>1. Хорижий давлатлар тиббиёт олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, қўшма конференция, симпозиум ва семинарлар ташкил этиш бўйича келишувга эришиш.</p> <p>2. Халқаро ҳамкорликда илмий ишларни олиб бориш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, дастурларни тасдиқлаш ва уларни амалга ошириш.</p> <p>3. Соҳага илғор илмий-тадқиқот ишланмаларини жорий этиш мақсадида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари билан ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда ушбу ишларга нуфузли халқаро университетларни жалб қилиш.</p> <p>4. Илмий-тадқиқот ишлари, лойиҳаларнинг бажарилишини тизимли мониторинг қилиш.</p>	<p>Ҳар йили 20 сентябрга қадар</p> <p>2026 йилдан бошлаб</p> <p>2026 йилдан бошлаб</p> <p>Ҳар чоракда</p>	<p>Халқаро молия институтлари грантлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов)</p>
17.	“Таълим – фан – ишлаб чиқариш” интеграцияси тамойили асосида илмий фаолиятни йўлга қўйиш.	<p>1. Магистратура, стажёр-тадқиқотчилик ва катта илмий ходим-изланувчилар институтини ривожлантириш орқали юқори маалаки илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.</p> <p>2. Кафедраларнинг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш чораларини кўриш.</p> <p>3. Илмий фаолиятни ривожлантириш учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш, тегишли ускуналар билан таъминлаш.</p>	<p>2025/2026 ўқув йили</p> <p>2025–2026 йиллар</p> <p>2025–2026 йиллар</p>	–	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Худаяров), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Шарипов)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номланиши	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаш-тириш манбалари	Ижро учун масъуллар
